ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01135

АФРИКА ҚОРА ТУЯҚУШИ (STRUTHIO CAMELUS AUSTRALIS)НИНГ СИСТЕМАТИКАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ

Соҳиба Уктам қизи Ибрагимова
Урганч Давлат университети ўқитувчиси
ibragimovasohiba94@gmail.com

Хулкар Мадраҳимовна Бобожонова
Урганч Давлат университети ўқитувчиси
bobojonovaxulkar44@gmail.com

Дилнурахон Давронбек қизи Ўринбоева
Урганч Давлат университети ўқитувчиси
urinboyevadilnura@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу тезисда Африка қора туяқушининг систематикаси, тарқалган ҳудудлари ва ҳолати , морфологик белгилари ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Африка қора туяқуши, Мали (Бербери) туяқуши, Массаи туяқуши, Сомали туяқушлари, Жанубий Африка ва Араб кичик турлар.

SYSTEMATICS AND GENERAL DESCRIPTION OF THE AFRICAN BLACK OSTRICH (STRUTHIO CAMELUS AUSTRALIS)

ABSTRACT

In this thesis, informatin has been given about systematics, distribution areas and status, morphological features of the African black ostrich.

Keywords: African black ostrich, Mali ostrich, Masai ostrich, Somali ostrich, South African and Arabian subspecies.

КИРИШ

Туяқушлар қушлар синфининг бошқа вакилларидан қатор белгилари билан ажралиб туради ва шу асосда классификацияланади. Африка қора туяқушини систематик ўрни қуйидагича:

Синф: Қушлар-Aves
Инфрасинф: Кўкрактожсизлар
Туркум: Страуссимонлар- Struthioniformes

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01135

Оила:Страуслар -Struthionidae
Авлод: Африка страуслари-Struthio
Тур: Африка туяқуши- Struthio camelus
Кенжа тур: Африка қора туяқуши- Struthio camelus Australis

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Struthio camelus australis страусларнинг кенжа тури бўлиб, улар ҳам бошқа туяқушлар каби ясси кўкрак қафасига эга ёки “кўкрактожсизлар деб ҳам аталади. Африка туяқушларининг қуйидаги кенжа турлари учрайди: Мали (Бербери) туяқуши – Шимолий Африкада, Массаи туяқуши – Шарқий Африкада, Сомали туяқушлари – Эфиопияда, Кенияда ва Сомалида. Унча узоқ бўлмаган вақтгача Африка туяқушларининг яна икки кичик тури – Жанубий Африка ва Араб кичик турлари бўлган, аммо улар ҳозирги кунда йўқ бўлиб кетган. Африка туяқушлари эркагининг бўйи уч метргача, уларнинг вазни эса - 150 кг.гача етади [1,2,3].

Кўкрактожсизларга нандусимонлар гуруҳига мансуб Жанубий Америкада яшовчи нанду оиласи киритилган. Унинг икки тури мавжуд – Шимолий нанду ва узунтумшуқли ёки Дарвин нандуси. Шимолий нандунинг бўйи 150-170 см гача ва вазни эса 25-50 кг ufча етади. Бу тур Амазонка хавзасидан жанубга томон ўрта Аргентинадаги Рио-Негро дарёсигача тарқалган. Дарвин нандуси шимолий нандуга қараганда кичикроқ ва Анд ясси тоғликларининг Боливия ва Жанубий Перу ҳудудларида, ҳамда Жанубий Аргентина текисликларида яшайди. Учинчи гуруҳи – Казуарсимонлар ҳам кўкрактожсизларга тегишли бўлиб, уларнинг яшаш ҳудудлари – Шимолий Австралия ва Янги Гвинея. Бу гуруҳга икки оила – Казуарлар (турлари – Оддий казуар ва Казуар мурука) ва Эму (ягона тур). Казуарлар Янги Гвинея оролида ва унинг атрофидаги оролларда яшайдилар. Казуарларнинг бўйи 150-170 см гача ва вазни 85 кг гача етади. Урғочи казуарларнинг бўйи нар казуарларнинг бўйидан баландроқ бўлади. Австралия ва Тасмания оролида тарқалган Эмунинг бўйи 180 см.гача ва вазни 55 кг.гача етади.


Туяқушларга, шунингдек, Киви кичик гурухининг ягона тури киради. Киви Янги Зеландияда тарқалган. Бу қушнинг ўлчамлари туяқушларникига қараганда анча кичик (бўйи 30-40 см., вазни 1-4 кг.) ва оёқларида 4 тадан бармоқлари бор.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Ўзбекистондаги хўжаликларда етиштириш учун асосан Африка туяқушлари танланади. Кам ҳолларда фермер хўжаликларида Австралия Эмулари ва Оддий тожли казуарлар боқилади.

Африка туяқушларининг турлари. Африка туяқушларининг учта тури кенг тарқалган: Қора, Қизил ва Зангори бўйинли (1-расм).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01135



1-расм. Африка туяқушлари турларини тарқалиш ҳолати

Қора туяқушлар Мали ва Жанубий Африка туяқушларининг чатишгани натижасида юзага келган. Уларни тутқунликда XVIII асрнинг бошларидан бошлаб Жанубий Африкада боқиб бошлашган. 1882-йилда Америкага, Жанубий Калифорнияга биринчи қуш олиб келинган. Туяқушларнинг ушбу тури бизларнинг шароитларда қатор белгилари билан боқишга кўпроқ мос келади. Қора туяқушлардан гўшт, тери ва юқори сифатли пар олинади. Уй шароитларида етарлича узоқ боқилиши туфайли бу қушлар энг онгли, бўйсунувчан ва янги муҳитга осон мослашади. Бугунги кунда уларни жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида етиштирмоқдалар(2- расм).



2- расм. Африка қора туяқушлари

Қизил бўйинли туяқушлар Мали ва Массаи кичик гуруҳларига киради. Булар мушаклари яхши ривожланган жуда йирик қушлар, бироқ улар камроқ маҳсулдор ва қўлга яхши ўрганмайдилар.

Заргори бўйинли туяқушлари Сомали ва Жанубий Африка кичик турларини ўз ичига олади. Улар олдинги иккита турларнинг маҳсулдорлиги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01135


кўрсаткичларининг ўртачаси билан характерланади. Улар ўзларининг яхши наслдорлиги билан ажралиб туради, аммо улар учун янада баландроқ қўра талаб қилинади. Бу туяқушлар инсонга кўпроқ ўрганади.

Ташқи кўриниш. Туяқушларнинг илмий номи – Struthio camelus. Лотинчадан таржима қилинганда camelus сўзи “туя”ни англатади. Туяқушларнинг ўхшашлиги уларнинг бўртиб чиққан кўзлари ва узун киприклари, гавдасининг йирик ўлчамларида. Туяқушлар, туяларга ўхшаб, саҳрода яшайдилар ва қийинчилик шароитларида катта масофаларни босиб ўтишга қодирлар.

Катта ёшдаги нар туяқуш 180-230 см, бўйи билан 120-150 кг гача (урғочиси – 100-120 кг) вазнга эга бўлади.

Диаметри 5 см атрофида бўлган катта кўзлари боши ҳажмининг тахминан учдан бирини эгаллайди. Уларни худди узун киприклардек кўринадиган, юпқа осилиш билан қовоқлари (юқориги ва пастки) бостириб туради. Кўзларининг шунингдек, чанг ва қумдан ҳимоя қилувчи, кўзнинг ички бурчагидан ташқарисига томонга ҳаракатланиб турадиган, ривожланган очилиб-юмилиб турувчи мембранаси (учинчи қовоқ) бор.

Жуда узун ва эгилувчан бўйни ва кўзларининг ўзига хос жойлашганлиги туфайли туяқушлар жуда яхши кўрадилар ва уларнинг кўриш кенглиги жуда яхши. Бунга бўйиннинг эгилувчанлиги ва кўзларининг стратегик жиҳатдан, олдинда жойлашуви имкон беради. Қушлар узоқ масофада жойлашган объектларни илғай оладилар, бу эса уларга ва улар билан бирга ўтлоқда бўлган бошқа ҳайвонларга ҳавфдан қочиш имконини беради(3-расм).



3-расм. Туяқуш бошининг ташқи кўриниши

Туяқушларнинг қулоқлари тешик кўринишида бўлиб, бошининг орқа қисмида жойлашган ва клапанлар билан ёпилади. Туяқушнинг боши унинг гавдасининг ўлчамлари ва бўйнининг узунлигига нисбатан жуда кичик. Унинг усти ясси, туксиз. Тумшуғидаги бурун тешиклари ҳам мембрана билан ёпилади. Бу мембраналарнинг жойлашуви ва сезувчанлиги туяқушлар томонидан

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01135

сувнинг ва емишнинг сифатини аниқлашда аҳамият касб этади. Буни тутқунликда уларни озиқлантиришни ташкил қилишда эътиборга олиш лозим. Емиш етарли даражада йирик, донадор бўлиши лозим, чунки кукунсимон емиш туяқушлар нафас олиш тизими ишини бузиши мумкин.

Узун бўйни 19 та кўкрак умумртқалари билан ушлаб турилади. Кўкрак суяги катта пластинка кўринишида бўлиб, ички аъзоларни ҳимоя қилади. Қил мавжуд эмас, демак кўкрак мушакларини маҳкамлаш учун жой ҳам бўлмайди.

Туяқушларнинг оёқлари узун бўлиб, болдири ва сонлари туксиз. Катта бармоқлар ва улар орасидаги парда (перепонка) тана вазнини ушлаб туриш имконини беради. Туяқушлар югурганда қадамининг узунлиги 8 метр бўлиб, тезлигини 80 км/соатгача ошира олади. Энг кам тезлиги 3 км/соат. Оёқ мушаклари асосан ривожланган сон суягига ва сонга маҳкамланган. Тўла ривожланган туяқушда оёғининг тери билан қопланган қисми, бармоқларни инобатга олмаганда, 18-20 кг. қизил гўшт беришини таъминлаши мумкин.

Африка туяқушининг оёғида фақат иккита ривожланган бармоқлари мавжуд (Эмуда – учта, Нандуда – тўртта). Бу эволюция жараёнида тўртта бармоқдан фақат учинчи ва тўртинчиси сақланиб қолган ягона қушдир. Кейингиси яхши ривожланган, тагида кенг эгилувчан қадоқсимон қалинланиши бор бўлиб ва қувватли, узунлиги тахминан 7 см келадиган тирноғи билан тугайди. Туяқушлар бир квадрат сантиметрга 30 кг га тенг бўлган куч билан олдинга ва пастга қарата тепиб, жиддий жароҳат етказиши мумкин. Учинчи бармоқ анча кичик ва туяқушга турғунликни сақлаш учун хизмат қилади. Икки бармоқ ва улар орасидаги парда туяқушга гавда вазнини ушлаб туриш имконини беради(4-расм), негаки улар бир томондан иккинчи томонга осон бурилади, “рақс тушиши” ва югуриши мумкин. яхши ривожланган мушаклари тос, бел ва уларни бирлаштириб турувчи хоч суягида жойлашган, мушакларнинг бошқа қисми эса кўкрак қафасининг умуртка бўлимини қоплайди.



4-расм. Африка туяқуши оёғи пастки қисмининг тузилиши

Туяқушларнинг қанотлари уларнинг гавдасига қараганда жуда кичик ва чиройли парлар билан қопланган. Туяқушлар улардан ўзларининг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01135

турдошларидан ва бошқа ҳайвонлардан химояланганда, никоҳ мавсумидаги “рақсларда”, шунингдек инидаги тухумларини ва жўжаларини ҳимоя қилишда гавдани турғунлаштиришда фойдаланадилар. Нарига қанотлари урғочиси тухум қўйиши даврида уяни оёғи билан тозалашда ёрдам беради[2,4, 5,6] .

Парлар билан қопланишининг ўзига хослиги. Туяқушлар парларининг ривожланиши ҳали тухум босқичида тухумни ёриб чиқишда жуда эрта бошланади, ва босқичма-босқич ўтади.

Тухумдан чиққанидан кейин туяқушларда парларининг ривожланиши тўртта босқичда ўтади. Шулардан биринчиси – патланиш (туяқуш жўжалари ҳаётининг 2-ҳафтасигача). Пат ранги жигарранг, ниқобловчидир. Патлар жўжаларда парлар билан алмашади. Уларнинг юқориги қисми очиқ-жигарранг, пасти эса – қорамтир-кулранг. Туяқуш жўжалари 5-6 ойлик бўлганда ювенал парланиш бошланади. 16 ойлик бўлганда парларни қирқиш мумкин бўлади. Бора-бора катта ёшдаги парланиш шаклланади, у 2 ёшга бориб тўла ривожланади. Бу ёшга бориб эркакларининг гавдасида қора-жигарранг ёки қора ва қанотлари ва қуйруғида оқ парлари бўлади. Урғочилари ёш патланишнинг кулранг-жигарранг тусини сақлаб қоладилар. Қанотларининг тоза оқ ранги фақат нарларида бўлади, урғочиларида эса қанотлари кулранг ёки қора халқасимок ленталар билан қопланган бўлади. Эркаги қуйруғининг патлари – оқ ёки сарғиш-жигарранг, урғочиларида эса – очиқ ёки қорамтир-кулранг доғли бўлади. Катта ёшдаги туяқушлар сонлари патларсиз бўлади. Икки ёшли Африка қора туяқушларда елкасидаги барча ювинил патлари йўқолади, аммо бўйин асосида сақланиб қолади. Шунда қорин соҳасидаги барча парлари очиқ-жигаррангга алмашади. Тўрт ёшга етганларида уларнинг ёшини амалда аниқлаб бўлмайди. Нарлари қора рангда ва оқ силкитиш ва руль парларига эга бўлади, урғочилари эса – жигарранг-кулранг.

ХУЛОСА

Туяқушларда энг қимматбаҳо парлари уларнинг қанотларида биринчи қаторда жойлашганлари ҳисобланади. Уларнинг сони тахминан 24 та. Ҳар бир қанотда ўртача 36-38 та силкитиш парлари бўлади, шу жумладан 16 та биринчи ва 20-23 та иккинчи қаторда. Парланиш – қушнинг кундузлари қуёшнинг тўғридан-тўғри нуридан исиб кетишининг олдини олувчи ва саҳролар иқлими учун характерли бўлган кечанинг совуқ соатларида тана иссиқлигининг йўқотилишини камайтирувчи ажойиб воситадир[2,3].

REFERENCES

1. Бондаренко.2003. Разведение и выращивание страусов / М. 15-81.

2. В.В. Спицин, В.А. Остапенко, Т.А. Вершинина. 2014. БЕСКИЛЕВЫЕ ПТИЦЫ В ЗООПАРКАХ И ПИТОМНИКАХ. Научно-методическое пособие**.** М. 10-233.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01135

3. Dr M.M. Shanawany, Dr John Dingle. 1999. Ostrich production system. Rome. 20-264.
4. Cilliers SC, Hayes JP, Chwalibog A, Du Preez JJ, Sales J. 1997. A comparative study between mature ostriches (Struthio camelus) and adult cockerels with respect to true and apparent metabolisable energy values for maize, barley, oats and triticale. British Poultry Science **38,** 96– 100.
5. Huchzermeyer FW. 1999. Veterinary problems. In: Deeming DC (ed.), The Ostrich Biology, Production and Health, pp. 293–320. CABI, New York.
6.Маршалл, Алаҳ Жоҳн “Biology and Comparative Physology of birds” (1960)